

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 25 октябрь, № 211 (4364)

Пайшанба

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Хурматли сержант ва офицерлар, ички ишлар идоралари ходимлари ва фахрийлари!

Бугун милиция ходимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари хизматчилари, умуман, бутун мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган кун — бизнинг тарихимизда илк бор Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрами нишонланмоқда.

Шу муносабат билан ўзини фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, жамоат тартиби ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш каби олижаноб ишга бахш этиб келадиган барча ватандошларимни ана шу байрам билан чин қалбимдан муборақбод этишга ихозат бергайсиз.

Ўзбекистон ўз мустақиллиги ва суверенитетини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб жамиятимизда барқарорликни таъминлаш, фуқароларимизнинг тинчлиги ва оқоёнчилигини асраш ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланган.

Ана шундай юксак мақсад-муддаоларга эришиш учун истиқлол йилларида юртимизда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўлини билган ички ишлар идоралари тизимини чуқур ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли, мазмун-моҳиятга кўра улкан ишлар амалга оширилди.

Ички ишлар идораларининг юқоридан қўйилган бўлган барча тузилмалари амалда сифат жиҳатидан бутунлай янги асосда шакллантирилди, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини қарор топшириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб олинди. Бундай ўзгариш ва ислохларнинг биринчи гада уюшган жиноятчилик, терроризм ва наркотрафикка қарши курашни кучайтиришга, тезкор-қидирув хизматлари ва тергов бўлинмаларини мустаҳкамлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, пост-патруль хизмати фаолиятини тақомиллаштириш ва профилактика хизмати ролини ошириш, шунингдек, республикада ёнган хавфсизлиги тизимини қайта қўриб қўришга қаратилган таъриқлаш зарур.

Ҳеч муносабатсиз айтиш мумкин, бу вазифаларни амалга ошириш ички ишлар идораларининг кифаси ҳамда улар фаолиятининг маъно-моҳиятини принципал жиҳатдан ўзгариштиришга хизмат қилди.

Милиция участка инспекторлари бўлинмалари негизда профилактика инспекторлари институти ва ҳар бир маҳаллада таянч пунктлари ташкил этилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноят содир этишга олиб келадиган сабаб ва ҳолатларни аниқлаш ва бартароф этиш борасидаги ишларни тубдан қайта қўриб чиқиш ва кучайтириш имконини берди, мамлакатимизда жиноий вазиятни сезиларли даражада соғломлаштиришни таъминлади.

Фуқароларнинг яшаш жойларида, деярли ҳар бир маҳаллада "Маҳалла посбонлари" каби ноёб жамоат тузилмаси ташкил этилган профилактика ишларини йўлга қўйиш ва олиб бориш ҳамда жамоат тартибини сақлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, самарали тезкор-қидирув фаолият тизими яратилди. Тергов идораларини қайта ташкил этиш, янги таъминланган, замонавий моддий-техник ва криминалистик базага эга бўлган тергов аппаратларини шакллантириш жиҳосидан жиноятларни очиб ва жиноятга жазо муқарраблиги таъминланган ижроси таъминланмоқда.

Кейинги йилларда янгитдан ташкил қилинган милиция бўлинмаларининг республикамиздаги бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари билан хизмат ва жанговар топшириқларни бажариш бўйича ҳамкорлиги сезиларли даражада яқшиланди.

Айни пайтда милиция ходимларининг аҳоли ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан яқин ҳамкорлиги янада мустаҳкамланди, уларнинг сафарбарлиги ва содир этилаётган жиноятларга қарши тезкор кураш олиб бориш имкониятлари ошиб бормоқда.

Бугунги кунда ички ишлар идораларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва уларни мустаҳкамлаш борасида юксак малакали, профессионал кадрлар тайёрлаш масаласи муҳим аҳамият касб этди.

Сўнгги йилларда Ички ишлар вазирлигининг олий таълим муассасалари — Ички ишлар академияси, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти, Ёнги хавфсизлиги олий техника мактаби фаолияти тубдан қайта ташкил этилди. Сержантлар тарбиясини тайёрлаш олий курслари ташкил қилинди ва самарали фаолият кўрсата бошладди.

Ўтган йиллар давомиде ички ишлар идораларининг маҳаллий ҳокимият, "Маҳалла" ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик билан алоқаларини бутунлай қайта қўриб чиқиш, ислоҳ қилиш ва кучайтириш бўйича амалга оширилган ишлар мамлакатимиз фуқароларининг милицияга бўлган ишончини мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитларни яратди. Бу эса, ҳеч шубҳасиз, ўз навбатида ички ишлар идораларимизга куч-қудрат бағишлаб, уларнинг ишончли фаолият юритишни таъминламолар.

Бугунги кунда ички ишлар идоралари сафларида Ватанимиз манфаатларига садоқатли, муносиб ўғил-қизларимиз халқимизнинг тинч ва оқоёнчи ҳаётини асраш йўлида мураккаб вазифаларни адо этиб келмоқда.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Республика ички ишлар идоралари ходимлари қўliga ҳолларда ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, мардлик ва қарамонлик намуналарини кўрсатиб, масъулиятли жанговар-хизмат вазифаларини бажаришда иштирок этмоқда. Бугун биз фуқароларнинг тинч ҳаёти ва ҳуқуқ-тартиботни сақлаш йўлида жонини фидо этган ходимларнинг ёрқин хотираси олдида бош эгамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳуқуқ-тартибот ходимларининг янги авлодини тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшаётган ички ишлар идоралари фахрийларига самимий миннатдорлик ихозат этаман.

Азиз ватандошлар!
Биз мураккаб замонда яшамоларимиз. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётига уюшган ва трансмиллий жиноятчилик, нарқобизнес билан боғлиқ хавф-хатарлар таҳдид солмоқда. Бундай бало-қазоларга қарши самарали курашиш, уларга муносиб зарба бериш ички ишлар идораларига тегишли барча хизматлардан аниқ ва ҳамжихатликда ҳаракат қилишни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳар бир ходимининг ўз хизмат бурчини масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, ҳалол адо этишни талаб қилади.

Бу мақсадларга эришиш учун қўйилган масалаларга алоҳида аҳамият бериш зарур:

Биринчидан, мамлакатимизда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ички ишлар идоралари фаолиятини янада тақомиллаштириш бўйича бошланган тизимли ишларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш, ҳуқуқбузарликларни, биринчи гада ёшлар ўртасида олдини олиш бўйича профилактика ишлари самарадорлигини ошириш, жиноятларни зудлик билан очиб ва содир этилган жиноят учун жазо муқарраблигини таъминловчи тезкор қидирув ва тергов фаолияти тизимини тақомиллаштириш.

Иккинчидан, ички ишлар идоралари ишидаги қонунийликни янада мустаҳкамлаш, милиция ходимлари фаолиятида учраб турадиган коррупция, расмийчилик, тўрачилик, лоқайдлик каби салбий ҳолатларга тубдан барҳам бериш, айниқса, йўл-патруль хизмати ва бошқа тузилмалар ишидаги камчиликлари бартароф этиш. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, шахсий тарбияни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, ички ишлар идораларини тасодифий ходимлардан, аввало, ўзининг илчанлик, ахлоқий ва профессионал тайёргарлиги бўйича милиция ходими деган юксак унвонга нолийк кишилардан халос этиш борасидаги ишларни кучайтириш.

Учинчидан, Ички ишлар вазирлиги идораларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, улар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва компьютер техникасини жорий этиш, маълумотлар банкни шакллантириш ва ўндан тезкор фойдаланиш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратиш.

Тўртинчидан, профилактика инспекторларининг малакаси ва профессионал маҳоратини ошириш фойдаланиш тақдирдагина муваффақиятга эришиш мумкин.

Профилактика инспекторлари ўз фаолиятини биринчи навбатда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, соғлом, маънавий баркамол авлодни тарбиялашга қўмақлашиш, ёшларни турли салбий таъсирлардан асрашга қаратган тақдирдагина муваффақиятга эришиш мумкин.

Бешинчидан, траншегаравий жиноятлар, уюшган жиноятчилик ва нарқотрафик, нарқотикларни етказиб бериш ва тарқатиш манбаларига қарши кураш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Нарқотикларга қарши кураш бўйича қўрилаётган барча чоралар ҳали-ҳануз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятидаги энг заиф бўлин бўлиб турибди, бу соҳа бўйича жавобгар бўлган тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш талаб даражасида таъминланмапти.

Олтинчидан, милиция ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган аниқ мақсадли ишларни янада кучайтириш муҳим вазифаларимиздан бири бўлимоғи керак. Кейинги йилларда уларнинг ижтимоий-маънавий шартлоиларини яқшилатиш, иш ҳақини ошириш йўлида кўп иш қилинди. Ички ишлар идоралари ходимларининг профессионал маҳорати ўсишини рағбатлантиришга қаратилган қўшимча пул муқофотлари ва бошқа тўловлар жорий этилди. Бу ишлар бундан кейин ҳам давлатимиз ва жамоатчилигимизнинг эътибор марказида бўлади, албатта.

Азиз дўстлар!
Сизларни бугунги байрам билан яна бир бор кутлар эканман, барчангизга сизга-салоомлик, бахт ва омад, мамлакатимизда барқарорликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва фуқароларимиз манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги масъулиятли вазифаларни адо этишда улкан ютуқлар тилайман.

Ишончингиз қомил бўлсинки, сизларнинг одамлар оқоёнчилигини таъминлаш йўлидаги машаққатли, олижаноб ва фидокорона меҳнатингиз доимо юксак қадрланади.



Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да "Мода ва текстиль — 2007" 4- Марказий Осиё халқаро кўргазмаси иш бошлади. У I T E Uzbekistan халқаро кўргазма компанияси, «I. T. E. Exhibition & Conferences Ltd» (Буюк Британия) томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ҳамда Ташқи Иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, "Ўзбекенгил-саноат" давлат акциядорлик компанияси ташкилотчилигида бўлиб ўтмоқда.



ТЎҚИМАЧИЛИК БУЮМЛАРИ НАМОЙИШИ

Кўргазманинг очилиш маросимида кейинги йилларда тўқимачилик соҳасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётгани ва улар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга, пахта хом ашёсини мукамал қайта ишлаш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, тармоққа жалб этилаётган хоржий инвестициялар салмоқини қўлайтириш борасида олиб борилаётган ишлар, инвесторлар учун яратилган имтиёз ва қўлайликлар ҳусусида сўз борди.

Таъкидлаш жоизки, тадбирда

дунёнинг тўқимачилик саноати ривожланган Германия, Италия, Малайзия, Франция, Россия, Туркия сингари йиғирмага яқин мамлакатидан 30 фирма ва компаниялар ўз маҳсулотлари ва хизмат кўрсатиш турлари билан иштирок этмоқда. Кўргазма павильонларида ип-газлама, трикотаж мато, фурнитур, аксессуарлар, тўқимачилик тармоғи учун хом ашё, кийимлар, шунингдек, мўйна, чармдан тикилган маҳсулотлар, бош кийимлар намойиш этилмоқда. Айниқса, кўргазма иштирокчиларида мамлакатимиз саноат кор-

хоналарида ишлаб чиқарилаётган ранг-баранг маҳсулотлар катта қизиқиш уйғотапти.

"Ўзбекенгил-саноат" давлат акциядорлик компаниясидан олинган маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида мамлакатимизда 10 та йирик тўқимачилик объекти ишга туширилди. "Дайшин мегатекс" (Чирчик ш.), "Седат Трико Тошкент" (Тошкент ш.), "Палма Текстиль" (Поп тумани), "Ромстар" (Ромитан тумани) шулар сирасига қиради. Ана шу корхоналарнинг жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотлари кўргаз-

ма экспозицияларини беэза, қўпчилик эътиборини қозонаётгани таъкидга лойикдир.

Кўргазма ташкилотчиларининг маълум қилишича, тадбир давомиде томонлар ўртасида тенг манфаатли ҳамкорлик ўрнатилди, олди-сотди битимларини имзолаш ҳамда устувор лойиҳаларни амалга ошириш учун келишувларга эришиш кўзда тутилган.

Сандолим ХАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.
Темур ҚУРБОНОВ
олган сурат.

ШАРАФЛИ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ БАЙРАМИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўлини билган ички ишлар идоралари тизимини ислоҳ қилиш борасида кенг кўламли, мазмун-моҳияти жиҳатдан улкан ишлар амалга оширилди. Бу борада қатор фармон ва қарорлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимиз ҳукуматининг 1991 йил 25 октябрдаги қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қайта ташкил этилди.

Бу сана — 25 октябрь — Олий Мажлис палаталари томонидан қабул қилинган қонунга биноан Ўзбекистон Республикасида ички ишлар идоралари ходимлари кунини сифатида белгиланди.

Пойтахтимизда мустақил юртимиз тарихида илк бор нишонланаётган ушбу байрам муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ички ишлар тизимида хизмат қилаётган фаол ходимлар, жанговар ва хизмат анъаналарини асраб-авайлаб келадиган, ҳуқуқ-тартибот ҳимоячиларининг янги авлодини тарбиялашга катта ҳисса қўшаётган фахрийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларига табригини Президентнинг

Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Б. Матлубов, вазирлик шахсий таркиби билан ишлаш хизмати бошчилигини ўринбосари А. Сатторов, вазирлик хотин-қизлар қўмитаси раиси Қ. Султонова, вазирлик бирлашган таҳририяти бош муҳаррири Н. Очилов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади. Бу мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий юксалиши, халқимиз фаровонлигининг янада ошиши, юртимиздаги тинчлик ва оқоёнчиликнинг мустаҳкамлашишда муҳим омили бўлади.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиришнинг самарали тизими яратилган. Зеро, ички

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Ёш оилалар эътиборда

Ёш оилалар юрт истиқболини белгилайди. Уларни замонавий уй-жой билан таъминлаш мамлакат равнақини ошириш билан бирга, халқ турмуш даражасининг яқшилланишига олиб келади.

■ Навоий вилояти ҳокимлиги, «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ипотека банкнинг ҳудудий бўлими ҳамкорлигида давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси йўлида 42 оилга мўлжалланган қўп

қаватли бино қурилиши бошлаб юборилди. Бу ишга Навоий шаҳридаги 10-қурилиш бошқармаси бош пудратчи бўлиб, айни пайтда бинокорлар 1,8 миллиард сўмга мўлжалланган замонавий уй-жой бинасини бунёд этмоқдалар.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қишлоқ шифохоналарига янги жиҳозлар

Наманганда тиббий хизматнинг биринчи бўлими ҳисобланмиш қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техника имкониятлари тобора кенгайишмоқда.

■ Кунини кеча уларга "Саломатлик-2" дастури лойиҳаси асосида тиббий ускуна ва жиҳозларнинг янги туркуми келтирилди. Болалар ва катталар учун сунъий нафас олдириш аппарати, акушер-гинекологик столлар, микроскоп ҳамда таҳлилхона мебеллари каби воситалар вилоятдаги 190 та ҚВГга тарқатилди.

Жаҳон банкнинг молиявий қўмағи билан изчил амалга оширилаётган мазкур дастур қишлоқ ахлига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини юксалтиришда муҳим омили бўлмоқда.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Касаначилар учун 400 иш ўрни

Вобкент туманидаги «Бозоржойи» маҳалласида фаолият кўрсатаётган «Ўзал кўнгли» ҳусусий корхонасида касаначилик асосида еттига янги иш ўрни яратилди.

■ — Мазкур кичик корхонада яна беш нафар қиз «уста-шогирд» йўналишида ҳам ўқиб, ҳам ҳунар урғунлашти, — дейди туман бандликка қўмақлаштиш маркази ходимаси Матлуба Мусаева. — Уч ой давомиде тивуевилик касби сирларини ўрганишга, улар ҳам ўз уйларида меҳнат қила бошлайдилар.

Айтиш жоизки, туманда шу йилнинг ўтган даврида касаначилик асосида тўрт юздан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Истам ИБРОҚИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

УСТУВОР ВАЗИФАЛАРГА БАФИШЛАНДИ

Сирдарё вилояти фаоллари йиғилишида Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 февралдаги мажлисида Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари юзасидан жорий йилнинг тўққиз ойи мобайлида амалга оширилган ишлар атрофида муҳокама қилинди. Уни вилоят ҳокими А. Жалолов бошқарди.

Йиғилишда вилоятда ҳисобот даврида барқарор иқтисодий ўсишга эришилгани қайд этилди. Ҳудудий маҳсулот ҳажми 6,3 фоизга ўсди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 12,3, чакана савдо ҳажми 23,4, халқ истеъмолчи моллари бўйича 25,7, хизмат кўрсатиш соҳасида 42,8 фоиз ўсишга эришилди. Ташқи савдо айланмаси 20,7 фоизга қўлга келди.

Вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини ошириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Айни мақсадда ҳисобот даврида 19 минг 800 дан зиёд янги иш жойи яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган тадбирларнинг йўли мақсулот ишлаб чиқаришдаги улқини йилдан-йилга ортмоқда.

Давлатимиз қарорининг касаначиликни ривожлантиришга оид фармонига мувофиқ кенг кўламли ишлар олиб борилаётган. Вилоятда 2 минг 400 дан ортиқ касаначи иш билан таъминланган. Улар томонидан 126,5 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилгани эътиборга молик. Шунингдек, қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш, сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этиб, аҳолига қўлайликлар яратилмоқда. Ўтган тўққиз ойда ишга туширилган савдо дўкони, тивуевилик ательеси, устакона, сартароҳона, ҳаммом сингари 300 га яқин маҳаллий хизмат шохобчаларнинг асосий қисми қишлоқларда фаолият кўрсатмоқда.

Ийгиридан эътибор инвестиция-иштирокидаги корхона вилоятнинг иқтисодий салоҳияти ошишига хизмат қилмапти. Улар сафига бу йил янги корхоналар қўшилди.

Йиғилишда ижтимоий-иқтисодий соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан бирга мавжуд камчиликлар ҳам аниқлаштирилди. Жўмладан, хоржий инвестициясиз жалб этилган 40 корхонанинг фақат 27 таси тула қувват билан ишлаяпти. Бобўев, Сайхунобод, Сирдарё, Мирзаобод туманларида коммунал тўловлардан қарадорлик юзориғича қолмоқда. Янгиер, Сирдарё шаҳарлари, Сайхунобод, Оқоттин, Сардоба туманларида иқтисодий тармоқлари, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектиларини қуз-қуш мавсумига тайёрлашда сусткашликка йўл қўйилаётган.

Йиғилишда ушбу камчиликларни бартароф этиш бўйича мутасаддилар зиммасига аниқ вазифалар юклатилди. Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Шоимовот сўзга чиқди.

Д. ЭСОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Шунингдек, Самарқанд вилоятида ҳам фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бошланган сайлов кампанияси тобора қизгин тус олмақда. Хабарингиз бор, бугунги кунда юртимизда фаолият олиб бораётган бешта сиёсий партия ва фуқароларнинг ташаббускор гуруҳи ушбу сайловларда ўз номзодлари билан қатнашиш ҳақидаги қарорларини эълон қилишди.

ка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шартларни

рунинг тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этилдилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати би-

гуруҳларидан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ҳамда ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ЎРГАНАМИЗ

Тахририят почтасига ташаббус билан келган маълумотларни қўлдан келтириш бор. Бу хатларнинг аксарияти бугунги куннинг энг долзарб масаласи — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўтказилаётган сайлов билан бевосита боғлиқдир. Бу эса фуқароларимизнинг сиёсий етуқлигидан, пировардидан уларнинг бўлажак сайловда фаол қатнашишдан далolat беради. Муштарийларимизнинг бугунги саволларига Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Гулнора РУСТАМОВА жавоб беради.



— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг қандай ҳуқуқ ва имтиёзлари бор?

— Бу ҳақда «Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 281-моддасида тўлиқ маълумот берилган. Жумладан, унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловда иштирок этиш ва радиотелевизион тартибда қатнашиш вақтида сайловчи ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазиёларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга, дейилади. Шунингдек, Президентликка номзод рўйхатга олингандан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида давлат йўловчилар транспортининг барча турларида (шаҳар йўловчилар транспортидан, таксидан ва транспорт бошқа турларининг буюртма йўналишларидан ташқари) текинга юриш ҳуқуқига эгадир.

— Сайлов куни қўшни мамлакатлардан бирига хизмат сафари билан кетялман. Шунинг учун номзодларга сайловдан олдинроқ овоз берсам бўладими?

— Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига мувофиқ, сайлов куни ўз туғилган жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар олдинроқ овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Тегишли сайлов участка комиссияси сайловчиларнинг талабига кўра, белгиланган шаклда бўлган, номзодлар тўғрисида тегишли маълумотлар кайд этилган сайлов варақаларини беради. Сайловчилар тўлдирилган сайлов варақасини ёпиқ конвертда участка сайлов комиссияси аъзоларидан бирида қўндиришлари мумкин.

— Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини қачон олаётган ва унинг миқдори қанча бўлади?

— Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасига биноан, участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини сайловчи камидан уч кун қолганида округ сайлов комиссияларидан оладилар. Берилган ва олинган сайлов бюллетенларининг сонини тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби ўз имзоси билан тасдиқлайди. Участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сонини сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатларига киритилган сайловчилар сонидан ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас. Сайлов бюллетеннинг ўнг томони юқори бурчакчага участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди. Имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисоба олинмайди.

ОЛИМ ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида «Динамик системалар ва ноаниқ масалалар назариясида янги йўналишлар» мавзусида халқаро илмий конференция ўз ишини бошлади. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академиясининг Математика ва информатсион технологиялар институти, Самарқанд давлат университети, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали ҳамкорлигида ташкил этилган маъруза конференция дунё миқёсида танилган олим, физика-математика фанлари доктори, профессор Шароф Ермухаммедов хотирасига бағишланди.

Ш. Ермухаммедовнинг математик физика ва функциялар назарияси соҳаларида олиб борган илмий тадқиқот натижалари жаҳон миқёсида тан олинди, кенг қўлланилмоқда. Бинобарин, анжуманда иштирок этган Германия, Россия, Украина, Арманистон каби давлатлар мутахассислари ҳам олимнинг борадаги изланиш ва ютуқлари хусусида чиқиш қилганлари фикримиз тасдиқидир. Урта йўналиш бўйича ўтказилган конференцияда Ш. Ермухаммедовнинг шогирдлари ҳам ўз маърузалари билан қатнашдилар.

Абдурусул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ

улар қандай мақомга эга?

лов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Округ сайлов комиссияларининг аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан тасдиқланади. Округ сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Қонунда сайлов комиссияларининг мақоми аниқ белгилаб қўйилган. Унга кўра округ сайлов комиссияси бутун округ ҳудудида «Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг ижросини назорат қилади ва унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди, сайлов участкаларини тўзади, уларнинг округ бўйича тартиб рақамини белгилайди, манзилни кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қилади, участ-

таъминлайди, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари вакиллари, сайлов округи ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасида ахборотларини эшитида. Бундан ташқари, пул маблағларини участка сайлов комиссияларига тақсимлаш, сайлов комиссияларининг бинаолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлашнинг назорат қилиш ҳамда сайловчи моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг бошқа масалаларини ҳамда участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни қўриб чиқиш, улар юзасидан қарорлар қабул қилиш

Комиссиянинг қарорлари очик овоз бериш орқали ҳозир бўлганларнинг кўпчилиги овози билан қабул қилинади. Комиссия қарорига қўшилмаган комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини айтишга ҳақидирлар, бу фикрлар ёзма тарзда мажлис баёнига илова қилинади. Округ сайлов комиссиясининг ўз вазифалари доирасида қабул қилган қарорлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар учун мажбурий бўлиб, ҳолат норози бўлганлар Марказий сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилиши мумкин. Округ сайлов комиссияси ўз ишини очик ва ошқора равишда амалга оширади. Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов участкала-

лан таништиридилар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов ахборотидан хабардор қиладилар. Округ сайлов комиссиясининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари, хусусан, округ сайлов комиссиясининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, бу ҳолат сайлов жараёнининг демократик тарзда, қонунларга мувофиқ равишда ўтказилишига хизмат қилади.

Раҳимжон ҲАКИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Амалиёт қонун ҳужжатлари мониторингини институти етакчи илмий ходими.

Бугун — Ички ишлар идоралари ходимлари куни

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар ўз самараларини бермоқда. Хусусан, маъмур тизимнинг муҳим бўлини бугунги ички ишлар идоралари фаолияти замон талабига мос тарзда шакллантирилди. Бунда давлат раҳбарининг соҳа фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган фармон ва қарорлари муҳим дастуриламал бўлмоқда.

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ — МАҲАЛЛАНING ИШОНЧЛИ ПОСБОНИ

Маъмур ҳужжатлар ижросини таъминлаш бора-бора ички ишлар идоралари тизимида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият, давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтиришга қаратилган ишлар самарадорлиги ортаётди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, полковник Шавкат Ҳикматовнинг айтишича, бунда, айниқса, профилактика хизмати-нинг алоҳида ҳиссаси бор. Профилактика инспекторлари нафақат жиноятчиликка қарши курашувчи, балки аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини маълумлини ўтказишга қаратилган тадбирларни амалга оширишда фаол иш олиб борувчи масъул ходим сифатида намоён бўлмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, оқсоқол, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, маҳалла посбонлари каби тузилмалар билан ўзаро ҳамкорлик тобора яхшиланаётгани маҳаллалар муҳитини соғломлаштиришда муҳим ўрин тутаётди.

Милиция таянч пунктларида тармок хизматлари ўртасидаги ҳамкорлик изчил йўли бўлиб, профилактика хизмати-нинг моддий-техник базаси мустаҳкамланаётгани туфайли иш самарадорлиги ортамоқда. 3,5 мингдан ортиқ милиция таянч пункти фаолият юритмоқда.

Вояга етмаганлар ва ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш мақса-дида милиция таянч пунктларининг 68 фоизи атрофида факультатив тўғрисида, 58 фоизининг хузурида кичик бизнес шохбончалари ҳамда қарийб 80 фоизининг қошида вояга етмаганлар

ЭЛ ТИНЧЛИГИ — БЕБАҲО БОЙЛИК

Мамлакат иқтисодий захиралари, шунингдек, аҳоли турар жойларини ёнғин офатларидан сақлашда ёнғин хавфсизлиги хизматининг ҳиссаси катта. Таъкидлаш жоизки, истиқбол йилларида ёнғин хавфсизлиги тизими янада такомиллаштирилиб, тубдан модернизация қилиниди. Аввало, соҳа малакали ва маҳоратли кадрлар билан таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлардаги бўлим, бўлинмалар, ёнғин ўчириш қисмларини замонавий техник воситалар билан таъминлаш, маъжуд кадрларнинг касб маҳоратларини оширишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Хизмат шартлиги яхшилаб борилган сари ёнғинларнинг олдини олиш ёки содир бўлган ёнғинларни тезкорлик билан барқарор этишга эришилмоқда. Масалан, 2007 йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида бўлтури ш пайтга нисбатан ёнғинлар сонини 4,1 фоизга камайлантирилган ўзиёқ республикамиз бўйича ёнғин хавфсизлиги бо-

расида олиб борилаётган ишларнинг салмоғи наҳадар юқори эканлигидан далolat беради. Албатта, бу бежиз эмас. Негаки, ўтган давр оралиғида халқ хўжалиги корхоналари ва аҳоли турар жойларида сал кам бир миллионга яқин турли тадбирлар ташкил этилди.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ҳар доим Юртбошимиз раҳнамолигида эканлиги, айниқса, ходимлар мунтазам рағбатлантириб борилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жорий йил мамлакатимиз мустақил-лигининг 16 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонида биноан, халқимиз-нинг осойишталигини таъминлаш ҳамда


Мавсумга пухта ҳозирлик кўрган хўжалик аъзолари мажмуида 64 гектар майдоннинг 25 гектарига «Крош-ка» навли бугдой уруғини сеппишди. Айни кунларда галла экилган майдонларда агротехник тадбирлар уюш-қоқлик билан давом этмоқда. «Турон-Халқобод» фер-мер хўжалиги аъзолари бу борада барчага намуна бўлаётди.

Искандар ХҲҲАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.



Халқимизда «Бугдой эксанг кузда эк, яхши ҳай-даб, бўзга эк» деган мақол бор. Шу маънода жой-ларда бу борада муайян ишлар олиб борилмоқда. Термиз туманида ҳам кузги дон экиш ишлари уюш-қоқлик билан давом этмоқда. «Турон-Халқобод» фер-мер хўжалиги аъзолари бу борада барчага намуна бўлаётди.

Даврон ҚАМБАРОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ходими, капитан.



ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Куни кеча Давлат солиқ қўмитаси хайъатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Қўмита раиси Б. Парпиев бош-қарган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий мак-роиқтисодий кўрсаткичлари прог-нози ва Давлат бюджетте параметрла-ри тўғрисида»ги Қарори талаблари-нинг жорий йил 9 ойи давомида ба-жарилиши ва келгусида амалга оши-рилиши лозим бўлган вазифалар, Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектла-рини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тад-бирлари тўғрисида»ги Фармонида

СОЛИҚ ТИЗИМИ

асосан, молиявий жарималар қўлаш учун суд инстанцияларига топширил-ган материаллар ва уларнинг яқини бўйича амалга оширилган ишлар, дав-лат солиқ хизмати органларида кадр-ларни танлаш, жой-жойига қўйиш, қайта тайёрлаш ва малакасини оши-риш юзасидан олиб борилаётган тад-бирлар ҳамда солиқ хизмати орган-лари муассислигида чоп этилаётган газеталарнинг бугунги кундаги ахро-ли ҳақидаги масалалар муҳокама этилди.

Таъкидландики, давлат бюджетига даромадлар тушуши бўйича жорий йилнинг 9 ойи учун белгиланган топ-шириқ 101,4 фоизга бажарилди. 2007 йилнинг 3-чораги учун белгиланган прогноз кўрсаткичлари эса 101 фоиз-га уддаланди. Утган 9 ой давомида Бюджетдан ташқари пенсия жамгар-маси, республика йул жамгармаси ва Мактаб таълимининг ривожлантириш

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА муҳбири.

жамгармаси бўйича белгиланган прог-ноз кўрсаткичлари ҳам муваффа-қиятли адо этилди. Бироқ йул жам-гармаси бўйича белгиланган 9 ойлик прог-ноз кўрсаткичлари Жаззаҳ ва Сидрда вилоятларида уддаланмади.

Хайбат йиғилишда, шунингдек, бюджет ва бюджетдан ташқари жам-гармалар олдидagi қарзларни қис-қартириш, солиқ қонунчилигига тула-риоз этиш масалалари бўйича Фар-

ДҚ Қўмитаси

фона вилояти ДСБ раҳбарияти шаъ-нига жиддий эътирозлар билдирди-ди. Хоразм вилоятида эса жисмоний шахсларга ҳисобланган ер солиғи эн-дирилиши ўта суст даражада эканли-ги таъкидий баҳоланди. Жаззаҳ, На-воий, Самарқанд, Наманган, Андижон ва Хоразм вилоятларида бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жам-гармалар олдидagi боқиманда қарз-ларни қисқартиришга қаратилган тад-бирлар етарли даражада олиб бори-лаётганини кўрсатиб ўтиди.

Нақд пул тушуми борасида ҳам ахвол кўнгилдағидай эмас. Айрим давлат солиқ хизмати органлари хо-димларининг маъсулиятсизлиги ва совоққонлиги туфайли банк кассала-рига маълум миқдордаги нақд пул

ДҚ Ахборот хизмати.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Ўғрилар

қидирилмоқда



Мавритания тарихида биринчи мартаба қуролли ўғирлик содир этилди.

Маҳаллий матбуотда ёзилишича, тўрт нафар қуролланган шахс Нуақшот шаҳридаги банк ҳодимлари нақд пул олиб кетишганда уларга ҳужум қилишган ва 230 минг долларни ўмариб, воқеа жойидан яширинишган.

Шартнома бажарилмаган

АҚШ Давлат департаменти Ироқ миллий полицияси ходимларини ўқитиш учун «DynCorp» компаниясига ажратилган 1,2 миллиард доллар маблағнинг қаргасарфланганини текширмоқда.

2015 йилга бориб...

Хитой 2015 йилга бориб АҚШдан кейин иккинчи истеъмол бозорига айланади. «Boston Consulting Group» компанияси ушбу масалада тадқиқот олиб борди.

Таъқиб бошланди

РИА «Новости»нинг хабар беришича, Туркия армияси қурд айирмачиларига қарши ҳарбий амалиётларни бошлаб юборди.

Лекин ушбу маълумот расман тасдиқланмаган. Бироқ бундан олдинроқ Туркия Бош вазири Таййип Эрдоган Ироқ шимолида ҳарбий амалиётлар исталган пайтда бошланиши тўғрисида огоҳлантирганди.

БМТ ва ЕИ Қурд ишчилар партиясини террорчи ташкилотлар сирасига киритган. Мазкур партия 1984 йилда Туркия жануби-шарқида мустақил қурдлар давлатини тузиш йўлида қуролли тўқнашулар келтириб чиқарганди.

Компания фойдаси қисқарган

Гарчи дунёда нефть нархи юқориликка қолган бўлсада, «British Petroleum» энергетика компанияси сўнгги чоракда 45 фоиз фойдасини йўқотди.



Сайлов арафасида

Колумбияда ўтказилиши режалаштирилган муниципал сайловлар арафасида икки номзод ўлдирилди.



Маълумотларда келтирилишича, мамлакат жанубида минтақавий қонунчилик органи аззолигига даъвогар Лилиана Дувер Рохас кўчада отиб кетилган.

Хориқ матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ҚАЛОВИНИ ТОПГАН ТАДБИРКОР


Халқимизда «Паррандачилик — етти хазинанинг бири» деган нақл бор. Тадбиркор Шохруҳ Мухаммедовнинг иш фаолиятига назар солсангиз, бу нақлнинг нақадар тоғиб айтилганига ишонч ҳосил қиласиз.

Урганч туманининг Чотқўпир қишлоғи ҳудудига қадам қўйишнинг билан чап томондаги ям-яшил дарахтзорлар орасидан оппоқ бино кўзга ташланади.

Паррандачилик

Шохруҳ Мухаммедов 2005 йили уни «Кимошди» савдосида сотиб олиб, атрофини янтоқлардан тозаллади, девор билан ўради.

аҳамият касб этаяпти. Жумладан, бир дона тухум таннархи 60 сўм 24 тийиндан тўғри келаётти.



Мавжуд 53,9 гектар ернинг бир қисми қумлоқ тупроқдан иборат эди. «Қаловини топсанг, қор ёнади» деганларидек, шу кум устига органик ўғит ва унумдор тупроқ ташлаш ҳисобига унинг унумдорлиги оширилди.

Мавжуд 53,9 гектар ернинг бир қисми қумлоқ тупроқдан иборат эди. «Қаловини топсанг, қор ёнади» деганларидек, шу кум устига органик ўғит ва унумдор тупроқ ташлаш ҳисобига унинг унумдорлиги оширилди.

Жорий йилнинг баҳорида Самарқанддан келтирилган 20 минг дона жўжа ҳам махсулот бера бошлади. «Ломан Браун классик» зотли бу товуқлар қорхона иш бошлаганидан бери боқилаётган паррандаларнинг ҳосили туркумидир.

Айни кунларда тадбиркор Шохруҳ Мухаммедов яна бир цех биносини қуриб, ишга тушириш, озуқа етиштириладиган майдонларни кенгайтириш, шу тариха истиқболда махсулот етиштириш ҳажмини ошириш орқали аҳоли дастурхонини тухум ва пархез гўшт билан таъминлаш ҳаракатида елиб-юғуриб меҳнат қилаётти.

Оллоберган РАЖАБОВ, журналист.

Мангит қишлоғидан чиқиб, ғарб томон юрсангиз, сервизи минора ҳамда Тошмасжид пайдо бўлади. Вангози деб аталадиган бу жойда 19 минг аҳоли истикомат қилади.

СЕРВИС ХИЗМАТИ АФЗАЛ ЭКАН

— Жобир Темиров, Рустам Саломов, Наби Бозоров, Файрат Жўраев, Бобожон Каримов, Баҳрон Тўраев, Фаёз Намозов, Азамат Набиев, Фармон Холлов каби ишбилармонларимизнинг савий-ҳаракатлари тўғрисида бу борада кенг миқёсдаги маълумот олиб бориладими.

Изланиш

Фермер ўҳжалиги раҳбари Жобир Темиров қишлоқ марказида катта дехқон бозори қураётти. Унинг ёнида супермаркет, ошхона, новойхона ҳам қад ростилаётти.

Бундан ташқари, Юртбошимиз назарига тушган Тошмасжид ва хавозали минора чирой очди.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БОЗОРЛАР ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Олмалиқда бошқа соҳалар қаторида савдо-сотиқчи ривожлантиришга, тармоқ ходимларига қўлай шарт-шароит яратиб беришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Абдунаби ХАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Large advertisement for Xerox featuring a large '1 ПАДА 4' graphic and a Xerox printer image. Text includes 'Tarmoq ichida bosib chiqarish, nusxa ko`chirish, skanerlash va faks — bitta ixcham moslamada. Work Center M118i — o`z ishinging yaxshi rivojlanishi haqida qayg`uradiganlar uchun a`lo darajadagi tanlov. Xerox. Zamonaviy yondashuv.'

Advertisement for 'Ўзбекистон ўрамли томёпқич ашёлари комбинати' (OAJ) regarding bankruptcy proceedings. Text: 'Маълумотларда келтирилишича, мамлакат жанубида минтақавий қонунчилик органи аззолигига даъвогар Лилиана Дувер Рохас кўчада отиб кетилган. Бундан ташқари, аҳоли пунктларидан бирига мэр Хориқ матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.'

Advertisement for 'ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!' (Universal Bourse Market) regarding an auction. Text: 'Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» Фарғона вилояти филиали очик аукцион савдоларига таклиф этади.'

Advertisement for 'ЎЗСТАНДАРТ' АГЕНТЛИГИ МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ МАРКАЗИ. Text: 'Ўз мижозларига шунинг маълум қиладики, 2007 йилда тузилган, иш ҳажми ва амал қилиш муддати 2007 йил 31 декабргача бўлган мажбуриятлари амалга оширилмаган, мижозлар айби билан бажарилмаган шартномалар бекор қилинади.'

Advertisement for 'МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ' (Minsk Automobile Plant) regarding truck models. Text: '«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобиллари (автобуслари) ва улар негизда тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.'

Advertisement for 'МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ' (Minsk Amkor Plant) regarding construction equipment. Text: '(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-185 ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизда) ва махсус техникаларни таклиф этади.'

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

ЎЗАРНИНГ

— Кишлоқларимизда бўсангиз, ойнавандли, мўъжаз иншоотларга кўзингиз тушади. Уларнинг бири «Ўзаллик саломи» бўлса, бошқалари савдо дўкони, ҳаммом, суратхона, компьютер хизмати шохобчаси. Мушкулларимизни осон, узогимизни яқин қилаётган бу хизмат турларини ташкил этганларга минг раҳмат! — дейишмоқда олтинқуллик қизлар.

«ЎЗАЛЛИК САЛОНЛАРИ»

Бу туман марказини каттагина сой кесиб ўтган бўлиб, унинг икки қирғоғи анчадан буйун хувилаб ётар, кўклар майсалари эса ёз ҳазирасида сувсизликдан қуриб-қовжираб қолар эди. «Инсон қўли — гул» деганларча бор экан. Уша ташландиқ жойда йигирмадан ортиқ хоналар жамланган хизмат кўрсатиш мажмуаси қад ростлади-ю, атроф бирдан очилиб кетди. Ўтган-кетганнинг бахри-диллини очадиган, ҳавасини келтирадиган даргоҳга айланди.

бичиш-тикиш, пойабзал таъмирлаш, суратхона, компьютер хизмати, қасбхона, чойхона, сартарошхона, миллий ҳаммом сингари бир қатор хизмат турларини қамраб олган ўз гузарига эга бўлаётди. Айримлари қошида хатто ичма бозор, автомобильларга хизмат кўрсатувчи, телекоммуникация хизматларини таъмирловчи сервис

да соғломлаштириш-санитария мажмуалари бунёд этаямиз. Уларни тиклаш учун ҳар бирига 20 миллион сўмдан кредит ажратилди. Илгари «Ўзаллик саломи» фақат шаҳарларда, туман марказларидагина фаолият кўрсатарди. Кишлоқда яшовчи қиз-жувонларнинг кўпчилиги гузаллик, орасталлик бағишловчи бу каби шохобчаларни билвермас, билганлари эса оғир меҳнатдан кейин вақт топиб, уларга боролмас ҳам эди. Эндликда Олтинқул кишлоқларининг ўнчасида ана шундай салонлар ишлаб турибди.

Ислохот

хизматлари ҳам фаолият кўрсатмоқдаки, буларнинг барчаси бунёдкор халқимизнинг жонига оро кирмоқда, оғирини енгил қилаётди. Чунинчи, атиги бир ярим йил ичида 18 та савдо дўкони, ўн жойда чеварчилик, 6 та маҳаллада пойабзал устaxonаси, 13 та худудда сартарошхона, 2 та суратхона очилди. Сувулоқда, Қўштепасарой, Маслаҳат кишлоқларида эса компьютер шохобчалари, халқаро сузлашув пунктлари иш бошлади.

Ҳаммом нафақат покланишда, балки жисмонан соғлом, руҳан тетик бўлишимизда ҳам катта аҳамият касб этади. Шу боис халқимиз азалдан аҳоли гавҳум худудларда ҳаммомлар қуриш, унинг ёнида ичма чойхоналар, хордиқ чиқариш хоналари барпо этишга эътибор қаратганлар. Ҳозирга келиб, вилоятнинг йирик кишлоқларида камидда биттадан замонавий ҳаммом қуриш ҳаракати кизгин кетмоқда. Бу хайрли ишга қўл урганларга эса имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Олтинқулда ҳам бугун еттига миллий ҳаммом ишляпти. Лекин улар аҳоли зич худудга камлик қилади, албатта. Шунга ҳисобга олиб, Сарой ва Қўштепасарой кишлоқлари-

2007-2008 йилларга мўлжалланган қисқа муддатли дастурга қўра, замонавий хизмат шохобчалари, сервис хизмати кўрсатувчи иншоотларини барпо этишга 730 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратиш кўзда тутилган. Тадбиркорлар ва аҳоли ўша сармоғининг катта қисмини қоплашни ўз зиммасига олди. Жойлардаги касб-хўрар коллежалари эса янги-янги барпо этилаётган ана шу шохобчалар учун уч юздан ортиқ малакали мутахассислар етказиб берадилар.

Олтинқулда бугун нафақат галлақору пахтакорлар, балки эртанги кунга катта ишонч, позиция озулар билан қараётган тадбиркорлар, хунармандлар, фидойи кишилар ишб меҳнат қилмоқдалар. Уларга бугун 28 мингдан ортиқ маънавий ва сервис хизмати кўрсатиш соҳасининг малакали мутахассислари камарбаста бўлаётди. Кенг жаҳондаги қурилиш ишлари юнланган сайин уларнинг саффи янада ортиб бораверади.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОЛТИ ЁШЛИ ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Мити чемпионинг шашти шадма: кунига беш-олти соатлаб машқ қилади. Ниятлари улкан — тезроқ ўлайсаю, Руслан Чагаевага ўхшаб жаҳон чемпиони бўлса. Ўзи тутилган шаҳарнинг дувруғини оламга танитса. У «Термиз оқшом» газетаси қошида очилган «Фудокан-шоҳ-каратэ-до» спорт клубининг аъзоси.

Дарвоқе, бундан уч йил аввал ташкил этилган ўшбу клуб аъзолари орасида бундай номдор спортчилар кўпайиб бормоқда. — Энг муҳими, шогирдларимизнинг интизомидан, одобидан кўнглимиз тўқ, — дейди клуб раҳбари Саби-на Жўраева. — Спорт сабоғи аввало, одоб сабоғидир. Туғаракларимиз ҳозир ўнчага етди. Енгил атлетика, бадий гимнастика, шахмат-шашка, қўл тўли машқлари омухта бўлиб, болаларнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний камолотга эришишига хизмат қилаётди.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БОКСЧИЛАРИМИЗ ЧИКАГОДА

Чикаго (АҚШ) шаҳрида бокс бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бошланди.



Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур чемпионат иштирокчилар сони жиҳатидан аввалгиларидан анча устун. Сунги маълумотларга қараганда, Чикаго рингларида 122 мамлакатдан келган 700 нафардан ортиқ боксчи иштирок этмоқда. Мусобақда боксчилар нафақат чемпионлик, балки келаси йили Пекинда ўтадиган Олимпиада ўйинлари йўлнамаси учун ҳам кураш олиб борадилар.

Жаҳон чемпионатида Олимжон На-

заров, Тўлашбой Дониёров, Орзубек Шоимов, Баҳодир Султонов, Бекзод Хидиров, Дилшод Махмудов, Бехзодбек Юнусов, Элишод Расулов, Аббос Атоев, Жасур Матчонов, Рустам Саидов сингари жаҳон рингларида тажриба тўплаган боксчиларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилишяпти. Терма жамоамиз аъзолари мураббийлар Шароф Худойбердиев ва Александр Размахов бошчилигида мусобақага жиддий ҳозирлик кўришди.

Кеча айрим вазн тоифаларида биринчи учрашувлар ўтказилди. Ҳамюртимиз Орзубек Шоимов (54 кг.) иорданиялик Иброҳим ал-Горахирга қарши рингга чиқиб, 30:21 ҳисобида зафар қўчди. Дилшод Махмудов (64 кг.) эса франциялик Алексис Вастанга кичик фарқ билан — 27:28 ютказиб қўйди.

Эслайтиб ўтамиз, жаҳон чемпионатида совриндорлар ва кучли саккизликдан жой олган боксчиларга Олимпиада йўлнамалари берилди.

МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВЛАР

Футбол фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб, «Спорт» ва «Ўзбекистон футбол» газеталари соврини учун оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ўтказилаётган мини-футбол турнирида дастлабки чорак финалчилар номи маълум бўлди.



Навбатдаги тур учрашувларида МТРК жамоаси ҳаваскор футболчилари «Туркистон»ни 5:1, «Инсон ва Қонун»ни 8:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, 9 очко билан мuddатидан олдин чорак финал йўлнамасини қўлга киритди. Шу гуруҳда катнашаётган «Жамият» газетаси ҳам 9 очко жамғариб, чорак финал йўлнамасига эга бўлди. Демак, бугун ўтказилганда МТРК — «Жамият» ўйини гуруҳ голлиб ким бўлишини аниқлаб беради. Дастлабки икки учрашувда галаба қозонган «Халқ сўзи» газетаси вакиллари «Наврўз»FM ва «XXI аср» жамоалари билан беллашувда омад қўлиб боқмади.

Қолган учрашувлар қўйидаги натижалар билан якунланди: «Наврўз»FM — ҲўДЖТУ 4:4, «Хонадон» — «Туркистон» 1:4, ҲўДЖТУ — «Хўқўк» 5:0.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Белбоғли курашнинг халқаро майдондаги оғури-эйтибори ортишида Тўрақўрғон кураш мактабининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

УФАДАН КУМУШ МЕДАЛЬ БИЛАН

Маҳорати мазкур даргоҳда сайқал топган полвонларнинг кўпчилиги аксарият жаҳон биринчиликларида кураги ерга тегмай қайтишди. Уфа шаҳрида белбоғли кураш бўйича ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида майдонга тушган Шўхрат Бозоров ва Уғилой Латиповлар ўз вазн тоифаларидаги бахсларда финал беллашувига етиб келдилар. Хал қилувчи босқичдаги фаол ҳаракатлар наманганлик ҳар икки курашчида кўмуш медаль тортиқ қилди.

Қ. НАҲМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Навоий шаҳрида республика фахрийларининг спартакиадада ўтказилди. Унда 40 ёшдан юқори бўлган 160 нафар спортчи қатнашди.

ФАХРИЙЛАР СПАРТАКИАДАСИ

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига асосан фахрий спортчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш мақсадида уюштирилган мусобақада иштирокчилар стол тенниси, енгил атлетика ва волейбол бўйича куч синашдилар.

Кизгин давом этган беллашувлар якунига қўра, Тошкент шаҳри жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин навоийлик спортчиларга, учинчи ўрин эса Буюрқон вилояти фахрийларига берилди. Голлибларга Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг кубоклари топширилди.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ООО "BURAN-SAVDO" СЕЛЬХОЗЗАПЧАСТИ И АВТОЗАПЧАСТИ

на грузовые автомобили и дорожную технику пр-ва России, Украины, Белоруси

МАЗ, КРАЗ, ЯМЗ-236, -238, КАМАЗ, ЗМЛ на трактора, экскаваторы, грейдеры:

МТЗ(Д-240); Т-28, 7-25, (Д-144); ЮМЗ(Д-65); Т-130, Т-170(Д-160); Т-150(СМД-60); Т-4(А-01), ДТ-75(А-41), К-701

КАНАТЫ СТАЛЬНЫЕ (ТРОСЫ) КАМАЗ

ОПТОВЫМ ПОКУПАТЕЛЯМ ПРЕДОСТАВЛЯЕТСЯ ГИБКАЯ СИСТЕМА СКИДОК ФОРМА ОПЛАТЫ - БЕЗНАЛИЧНЫЙ РАСЧЕТ

E-mail: buransavdo@rambler.ru

Адрес: г.Ташкент, 100059, ул. У. Насыра, 130-2 (Ориентир — напротив гост. "Хосилот")

Тел.: 154-64-91, 154-64-19, 250-17-99 Тел./факс: 250-42-99, 250-13-99

Қўша қариш бахти



муяссар бўлган пири бадавлат кишилар кўп. Шундан бири — Мамадали ота Мамажонов оиласи. Турмуш қураганларига 61 йилдан ошган Мамадали ота ва Назираой онаи ҳавас билан бир дарахтининг қўш танасига мензашади. Эл қорига яраётган 7 нафар фарзандни тарбиялаб, эндиликда бир этак набираю эвараларнинг қўшоғида бахтли ҳаёт кечирётган бу чолу кампирни ёшларга ибрат қилиб кўрсатишади. Уларнинг эса қўллари доимо дуода: «Илоҳим, ҳаммага фарзандларининг камолини кўриш насиб этсин, болаларига бош бўлиб юрсин».

Бу фаритасифат қуронийларнинг насиҳатларини тинглаб, айтганингиз келсин, деймиз.

СУРАТДА: Мамадали ота ва Назираой она Мамажоновлар.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

«Қўшагингиз билан қўша қаринг», дея дуо қилишади кексалар. Бунинг замирида жамият таянчи бўлган ошанинг муқаддаслиги, у Ватан ичра кичик ватан эканлиги эҳқур этилган.

Қўшон шаҳридаги 44-«Афғонбоғ» маҳалла фуқаролар йиғини худудида бундай бахтга

GAZ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

GAZ-3221 Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли

GAZ-31105, «ВОЛГА»

GAZ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

GAZ-33214 (4x4) «Тез ёрдам»

«ОМСКШИНА» ОАЖ АВТОШИНАЛАРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СЎТИЛАДИ. Тел.: 300-29-59

Махсусот сертификатланган

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРАДИ «GAZ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қўпланган (цельнометаллические) фургонар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БЮРТМЛАР КАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЕРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».

ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, санаят моллари ва нон ташийдиган, изоғермик, вакуумли ассенизаторлар, автогазоқўтаргичлар, автоустaxonалар, бургулаш (бурувие), чикинди ташийдиган, мобил билбордлар, автозакуаторлар, АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сўт ташийдиган, ёниги ташийдиган, самосваллар.

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилр Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 23333 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълолар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30

Манзилими: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпов. Навбатчи муҳаррир — М. Холматова. Навбатчи — М. Охупова, Мусахҳад — Ш. Махраббоев.

Топширилди — 23.00